

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СИДИҚОВА ХУЛКАР ҒУЛОМОВНА

**ЧИҚИНДИ ГАЗЛАР ТАРКИБИДАН ИС ГАЗИНИ НАЗОРАТИ
УЧУН ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СЕНСОРЛАР ЯРАТИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Сидикова Хулкар Гуломовна

Чиқинди газлар таркибидан ис газини назорати учун яримўтказгичли
сенсорлар яратиш.....3

Сидикова Хулкар Гулямовна

Разработка полупроводниковых сенсоров для контроля оксида углерода
из состава отходящих газов.....21

Sidikova Xulkar Gulomovna:

Development of semiconductor sensors for monitoring carbon monoxide from
the composition of waste gases.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СИДИҚОВА ҲУЛКАР ҒУЛОМОВНА

**ЧИҚИНДИ ГАЗЛАР ТАРКИБИДАН ИС ГАЗИНИ НАЗОРАТИ
УЧУН ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СЕНСОРЛАР ЯРАТИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К433 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах Давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kituo.puu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот- таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдурахманов Эргашбой кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насимов Абдулло Муродович кимё фанлари доктори, профессор
	Қутлимуратова Нигора Хақимовна кимё фанлари доктори, доцент
Ётақчи ташкилот	Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 й «16» 02 соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4, Тел.: (99871)246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 16 билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871)246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail:nauka@puu.uz).

Диссертация автореферати 2022 й «8» 02 кун тарқатилди
(2022 йил «8» 02 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



С.А.Сманова,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

Д.А.Гафурова,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.Х.Қутлимуратова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида автотранспорт ва саноатнинг жадал ривожланиши натижасида атмосфера ҳавоси таркибини назоратига талаб ортиб бормокда. Шу билан бирга селектив усуллар ва сезгир кимёвий сенсорлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Углерод (II) оксиди (ис газ) атмосфера ҳавосининг заҳарли ва портловчан таркибий қисмларидан биридир. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилликда углерод (II) оксиди билан заҳарланишдаги ўлим ўткир заҳарланишдан вафот этганларнинг 23,4 фоизини ташкил этган. Шу сабабли газсезгир яримўтказгичли материалларнинг янги авлодини яратиш ва улар асосида атмосфера ҳавоси, технологик ва чиқинди газлардаги углерод (II) оксиди микдорини аниқлашни таъминловчи селектив яримўтказгичли газ сенсорларини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда заҳарли ва портловчан газларнинг яримўтказгичли сенсорлари учун юқори самарали газсезгир материалларни яратиш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яримўтказгичли сенсорларнинг тавсифлари турли омилларга, жумладан газсезгир материалларнинг таркибига боғлиқ бўлиб, улар газлар аралашмаси таркибини аниқлашда юқори сезувчанлик ва селективликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу борада, яримўтказгичли сенсорининг газсезгир материалининг таркибий қисмларининг оптимал таркибини ва нисбатларини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда атроф-муҳит объектлари таркибининг назоратига алоҳида эътибор қаратилиб, атмосфера ҳавоси таркибини назорат қилиш усуллари ва асбобларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада селектив газсезгир материалларни ишлаб чиқиш ва улар асосида импорт ўрнини босувчи сенсорларни яратиш, юқори самарали, замонавий тезкор газ анализаторлар ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги қарорида белгиланган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли “Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини ривожлантириш”, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли “Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қарорлари, “кимё ва биология соҳаларидаги илм-фан самарадорлиги”, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атмосфера ҳавоси ва технологик газлар таркибини таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга жаҳонда алоҳида эътибор қаратилган. Э.Г. Кулапина, М.В. Костицина, Т.А. Краснова, Н.Н. Рудакова, П. Срисом, Б. Лиавруанграт, С. Шангкарн, У. Губицка, Ян Кшек, Х. Волтйнской, Б. Стахач каби дунёнинг етакчи олимлари томонидан чиқинди газлар таркибини кузатишнинг электрокимёвий ва термокаталитик усуллари таклиф қилинган ва ишлаб чиқилган.

Республикамиз олимларидан Т.К.Хамрақулов, А.М.Насимов, А.М. Геворгян, З.А.Сманова, М.М. Султонов, И.Э.Абдурахманов ва б. лар саноат корхоналари ва транспорт воситаларининг атмосфера ҳавоси ва чиқинди газларининг таркибий қисмларини назорат қилиш учун сенсорлар яратиш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, яримўтказгичли усулларни ишлаб чиқиш ва селектив сенсорларни яратиш бўйича тадқиқотлар чекланган. Такдим этилган маълумотларга асосланиб, углерод (II) оксиди сенсорларини яратиш муаммоси кам ўрганилган йўналиш деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун газсезгир материалларни синтез қилиш қонуниятларини ўрганиш ва улар асосида углерод (II) оксидининг селектив сенсорларини яратиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах Давлат педагогика институтининг “Кимё ва экологиянинг долзарб муаммолари” илмий-тадқиқот режаси ва ОТ-Ф7-84 “Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газсезгир материаллар синтези назарий асосларини тадқиқ этилиши.” (2016-2020 й.) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Газсезгир металл оксиди композитларини ишлаб чиқиш ва углерод (II) оксидини аниқлаш учун селектив яримўтказгичли сенсорларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

углерод (II) оксидининг яримўтказгичли сенсорлари учун газсезгир материаллар синтези компонентларининг таркиби ва нисбатларини ишлаб чиқиш.

золь-гель технологиясидан фойдаланиб наноккомпозит плёнкаларни синтез қилиш қонуниятларини ўрганиш ва улар асосида яримўтказгичли СО сенсорлари учун селектив газсезгир материаллар таркибини аниқлаш;

олинган наноматериаллар тузилиши ва хоссаларини сканерловчи электрон микроскоп, рентген ва дифференциал термик анализ усуллари ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

концентрациянинг кенг диапазонида СО миқдорини аниқлайдиган яримўтказгичли сенсорларни ишлаб чиқиш;

автоматик газ анализаторларини яратиш, уларнинг метрологик, аналитик тавсифларини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёниш жараёнлари ва транспорт воситалари чиқинди газлари, кимё заводларининг атмосфера ҳавоси, стандарт газ аралашмалари, металл оксидлари ва тетраэтоксисилан олинди.

Тадқиқотнинг предмети - металл оксидлари асосида ГСМ ларнинг золь-гель синтези ҳамда улар асосида СО ни аниқловчи селектив яримўтказгичли сенсорлар ва автоматик газ анализаторлар яратиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда вискозиметрия, кондуктометрия, сканерловчи электрон микроскопия (элемент таҳлили), газ-суюқлик хроматографияси (ГСХ), рентгенфазавий (РФА) ва термогравиметрик анализ (ТГА) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор титан ва кадмий оксидлари асосида ис газини яримўтказгичли сенсори учун газсезгир материалнинг золь-гель синтези амалга оширилган;

ис газини аниқловчи яримўтказгичли сенсорнинг юқори сезувчанлигини таъминлайдиган газсезгир материалнинг таркиби ва компонентлар нисбати аниқланган;

яримўтказгичли углерод (II) оксиди сенсорининг юқори сезувчанлиги ва селективлигини ошириш усуллари яратилган.

углерод (II) оксидини концентрациянинг кенг диапазонида назорат қилувчи автоматик анализатор яратилган, ҳамда унинг метрологик ва эксплуатацион параметрларига турли омилларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

газлар аралашмаси таркибидан СО ни селектив аниқлашни таъминлайдиган газсезгир материал яратилган;

селектив сенсорлар СО нинг газ анализатори таркибида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги экспериментал натижалар кондуктометрик, дифференциал термик, микроскопик, газохроматографик сингари замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда олинганлиги билан асосланади. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган экспериментал натижалар асосида чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газсезгир материалларнинг золь-гель синтези қонуниятларини аниқлаш, Ti ва Cd оксидлари асосида селек-

тив наноккомпозитларни ҳосил қилиш учун оптимал шароитларни танлаш ва улар асосида СО нинг яримўтказгичли сенсорини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳаво ва технологик газлар таркибидан СО ни аниқловчи газ анализаторнинг сезгирлиги, селективлиги ва тезкорлигини оширилиши, шунингдек, ишлаб чиқилган газсезгир материал ва селектив сенсорни газ анализатори таркибида тутун ва чиқинди газлар таркибидаги ис газини мониторинг қилиш муаммоларини ҳал этишда қўлланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ис газини аниқлаш учун металл оксиди композитлари асосида кимёвий сенсорларни яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра:

ишлаб чиқилган СО сенсорлари “Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖ амалиётига жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖ нинг 2021-йил 1-ноябрдаги 976/GK-11-сон маълумотномаси). Натижада, ёпиқ экологик тизимларда (саноат ва маъмурий бинолар) атмосфера ҳавосидаги ис газини миқдорини назоратидаги юқори тезкорлик, сезгирлик ва селективлик хавфсизлик чораларини таъминлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган углерод (II) оксидининг аниқлаш усули ва сенсори “Олмалиқ КМК” АЖ амалиётига жорий этилган (“Олмалиқ КМК” АЖ нинг 2021 йил 30 декабрдаги 1635-сон маълумотномаси). Натижада, экологик хавфсизлик таъминланган ва углерод (II) оксидини ёпиқ экологик тизимлар атмосфера ҳавоси ва технологик чиқинди газлар таркибидан тезкор аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кремнийли ғовак моддаларнинг синтези ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш. Атмосфера муҳитидан СО ни назорат қилиш усуллари ва асбоблари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ғовак газсезгир материалларнинг синтези ва уларнинг тавсифларини ўрганиш натижалари ҳамда технологик газлар ва атмосфера ҳавоси таркибидан ис газини назорат қилиш усуллари ва асбоблари таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **“Углерод оксидининг яримўтказгичли сенсори учун ғовак газсезгир материаллар синтез қилиш ва уларни тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида ТЭОС ва металл оксидлари асосида газсезгир материалларнинг золь-гель синтези қонуниятлари ва олинган материалларни, сканерловчи электрон микроскопия, рентген фаза ва термик анализи усулларида таҳлили натижалари келтирилган. Эритманинг барқарорлиги яримўтказгичли газ сенсорлари учун газсезгир плёнкаларни синтез қилишда асосий параметрлардан биридир. 1-расмда плёнка ҳосил қилувчи эритма барқарорлигининг дастлабки золь таркибига боғлиқлиги кўрсатилган.



1-расм. Плёнка ҳосил қилувчи эритма нинг барқарорлигини дастлабки ара- лашма таркибига боғлиқлиги

1-расмдан бир хил шароитларда допант (CdCO_3 ва CdSO_4) иштирокида ва допантсиз олинган эритма-ларни, барқарорлиги мос равишда 86; 55 ва 42 соатга тенг бўлишини кўрамиз. Бир хил шароитда олинган допантсиз эритмани барқарорлиги допантли эритманинг барқарорлигидан катта бўлган ҳолда эритмани барқарорлиги допант сифатида қўлланилган тузнинг таркибига ҳам боғлиқ бўлиши кузатилади. CdCO_3 иштирокида олинган зольнинг барқарорлиги (55 с.) CdSO_4 иштирокида олинган эритманинг барқарорлиги (42 с.) дан катта.


Эритманинг кинематик қовушқоқлигини вақт давомида ўзгаришини ифодаловчи 1-расмда икки хил соҳани ажратиш мумкин. Булардан бири абсцисса ўқиға параллел бўлган соҳа тетраэтоксисиланни гидролизланиши ва мономерларнинг димерларга конденсация реакцияларига мос келади, қовушқоқлик интенсив ортиб борувчи иккинчи соҳа эса поликонденсатланиш жараёнларининг боришига мос келади деб тахмин қилинди. Барқарорликни эритманинг рН ига боғлиқлиги титан ва кадмий метали тузлари асосидаги допант иштирокида ўрганилди. Тажрибаларда эритмадаги рН қиймати 0,1 дан 1,5 гача ўзгартирилди. Ушбу тадқиқот натижалар 2-расмда келтирилган.



2-расмдан эритманинг барқарорлигини унинг рН қийматига кучли боғлиқ бўлишини кўрамыз. рН ~ 0,5-1,0 соҳасида ҳосил бўлган золлар гелланишга нисбатан чидамли бўлиб, рН нинг ундан паст (0,1) ва юқори (1,5) қийматларида золни гелга айланиш даври қисқаради.

2-расм. Плёнка ҳосил қилувчи ара-лашма барқарорлигини рН ига боғ-лиқлиги.

Қуйидаги 3-расмдан рН нинг турли қийматларида ТЭОС ва CdO асосида синтез қилинган газсезгир плёнка намуналарига термик ишлов берилганидан кейин турлича сирт тузилишига эга бўлишини кўрамыз. Шундай қилиб, эритма рН ини ўзгариши золни гидролизланиши ва поликонденсация реакцияларининг нисбий тезликларини ўзгартириш ҳисобига ГСМ нинг морфологиясига таъсир кўрсатади ва унинг юзасининг турли тузилмаларини олиш имконини беради.



3-расм. ТЭОС ва CdO асосида рН=0.1 (а) ва рН= 0.5 (б) қийматларида синтез қилинган газсезгир материалнинг юза тузилиши


$H_2O/TЭОС$ нисбатининг ГСМ нинг золь-гель синтезига таъсирини аниқлаш натижалари 1-жадвалда кўрсатилган. Жадвалдан эритманинг барқарорлиги 1 моль ТЭОС га тўғри келадиган сувнинг миқдори 20-25 моль бўлганда максимум орқали ўтишини кўрамыз.

1 -жадвал.

Плёнка ҳосил қилувчи эритманинг барқарорлигига $H_2O/TЭОС$ нисбатини таъсири ($n=5, P=0,95$).

Т/р	$H_2O/TЭОС$ нисбати	Эритманинг барқарорлиги, соат		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr * 10^2$
1	10	24±0,2	0,16	1,01
2	15	41±0,4	0,32	0,78
3	20	72±0,7	0,56	0,78
4	25	74±0,6	0,48	0,65
5	30	66±0,6	0,48	0,73
6	35	43±0,5	0,40	0,93

H₂O ва ТЭОС нинг 20 ва 25 моль нисбатларида олинган ГСМ ларга термик ишлов бериш 550 °С хароратда олиб борилди. 0,1% лик СО таъсирида бу плёнкалар қаршилигини ўзгаришини яқин қийматларга (1218 ва 1229 Ом га) эга эканлиги, бу плёнкаларнинг ғоваклигини ўлчамлари ўзаро яқин эканлигини кўрсатади. H₂O/ТЭОС=4 бўлганда олинган плёнканинг қаршилигини ўзгариши 0,1% лик СО таъсирида 124 Ом га тенг, яъни H₂O/ТЭОС=25 да олинган плёнканинг қаршилигидан тахминан 25 марта кам. Бу кўрсаткич H₂O/ТЭОС ни стехиометрик ва ундан кичик қийматида олинган плёнкалар ғовак эмаслигини кўрсатади. Ишда аорганик модификаторлар сифатида куйидаги металл оксидлари танлаб олинди: ZrO₂, TiO₂, CdO, ZnO, In₂O₃, NiO, Mo₂O₃, Al₂O₃, SnO₂. 4-расмда ТЭОС ва металл оксидлари асосида олинган плёнкалар сиртининг морфологияси келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики, ГСМ сиртининг тузилиши, дастлабки компонентларнинг таркибига қараб ўзаро фарқ қилувчи мураккаб ғовак тузилишга эга. Бинобарин, металл оксиди таркиби кремнезий материалларнинг ғовак тузилишига сезиларли таъсир кўрсатади ва ГСМ ни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Демак, уни ўзгартириш махсус хусусиятларга йўналтирилган ГСМлар олиш имконини беради.



4-расм. ТЭОС ва металл оксидлари иштирокида олинган ГСМ ларни СЭМ да кузатилган юза кўриниши.


Олинган яримўтказгич плёнкани ГСМ сифатида қўлланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида СО таъсири остида уларнинг электр ўтказувчанликларини ўзгариши ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал.

ГСМ ни СО га сигналининг металл оксиди таркибига боғлиқлиги (n=5, P=0,95, C_{CO} = 500 мг/м³ ТЭОС/Металл оксиди=1:1).

Т/р	ГСМ таркиби	ГСМ ни СО га сезгирлиги, мВ.		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr*10 ²
1	ТЭОС+ ZrO ₂	6,7±0,1	0,1	1,49
2	ТЭОС+ TiO ₂	28,2±0,4	0,4	1,42
3	ТЭОС+ CdO	23,9±0,2	0,2	0,84
4	ТЭОС+ ZnO	16,3±0,5	0,5	3,07
5	ТЭОС+ In ₂ O ₃	18,0±0,3	0,3	1,67
6	ТЭОС + NiO	9,8±0,4	0,4	4,08
7	ТЭОС+Mo ₂ O ₃	4,5±0,1	0,1	2,22
8	ТЭОС+ Al ₂ O ₃	5,3±0,1	0,1	1,89
9	ТЭОС+ SnO ₂	13,3±0,3	0,3	2,26

2-жадвалдаги маълумотлардан, ўрганилган ГСМ лардан СО учун энг юқори сезувчанлик, ТЭОС, TiO_2 ва CdO асосидаги ГСМ ларга мос келишини кўрамыз. Шу сабабли кейинги тажрибаларда ТЭОС+ TiO_2 , ТЭОС+ CdO ва уларнинг аралашмалари (ТЭОС+ TiO_2 + CdO) асосида олинган плёнкаларнинг хоссалари тадқиқ қилинди.



5-расм. ТЭОС Ti ва Cd оксидлари ишти-рокида олинган ГСМ ларнинг СЭМ да кузатилган юза тuzилиши

5-расмда ТЭОС ва металл оксидлари асосида синтез қилинган газсезгир материаллар таркибидаги кремний, кислород ва металлнинг миқдорини сканерлаш электрон микроскопида (СЭМ) қайд этилган энергия дисперсион спектрлар (ЭДС) ёрдамида аниқлаш натижалари келтирилган.


5-расмдан олинган плёнкаларнинг таркиби бошланғич эритманинг таркибига тўлиқ мос келишини кўрамыз. Кейинги тажрибаларда компонентлар нисбатини (TiO_2 , CdO) улар асосида олинган нанокөмпозит плёнкалар кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

3-жадвал.

Газсезгир материалнинг СО га сезгирлигини унинг TiO_2 ва CdO нинг ўзаро нисбатларига боғлиқлиги ($n=5$, $P=0,95$)

ГСМ таркиби	Сенсор сигнали, мВ.		
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
ТЭОС/(100% CdO)	23,9±0,2	0,16	0,67
ТЭОС/(100% TiO_2)	28,2±0,4	0,32	1,14
ТЭОС/(5% TiO_2 +95% CdO)	26,7±0,3	0,24	0,9
ТЭОС/(25% TiO_2 +75% CdO)	33,2±0,2	0,16	0,48
ТЭОС/(50% TiO_2 +50% CdO)	38,5±0,1	0,08	0,21
ТЭОС/(75% TiO_2 +25% CdO)	42,5±0,4	0,32	0,76
ТЭОС/(95% TiO_2 +5% CdO)	37,1±0,3	0,24	0,65

TiO_2 ва CdO асосида ГСМ нинг сезгирлигини ўрганиш натижаларидан СО мониторинги жараёнида энг юқори сезгирлик 3:1 нисбатда олинган TiO_2 ва CdO аралашмасига мос келиши аниқланди. Шунинг учун кейинги тажрибаларда СО ни аниқловчи ЯЎС ни яратиш жараёнида ТЭОС/(75% TiO_2 +25% CdO) ни ГСМ сифатида қўллаш имкониятлари текширилди. ТЭОС/(75% TiO_2 +25% CdO) асосидаги ГСМ нинг термик таҳлили 6-расмда келтирилган. Тажрибалар 50 дан 850 °С гача бўлган ҳарорат оралиғида қиздириш тезлиги 10 °С га тенг бўлган ҳолда амалга оширилди. Тажрибаларда 100 °С да қуритилган 30 мг массали намунадан фойдаланилди.



6-расм. $\text{SiO}_2 \setminus (75\% \text{TiO}_2 + 25\% \text{CdO})$ таркибли композит намунасининг термограммасы.

Намунанинг $850\text{ }^\circ\text{C}$ гача қиздирилганда олинган термограммасыда вазн йўқотиш билан боғлиқ иккита сакраш кузатилган. $120 - 240\text{ }^\circ\text{C}$ да эндотермик эффект билан кузатилган сакраш қолдиқ спиртнинг буғланиши, физик адсорбцияланган ва кимёвий боғланган сувнинг парчаланиши билан боғлиқ, $460-700\text{ }^\circ\text{C}$ да кузатилган сакраш қолдиқ алкокси гуруҳларининг термооксидланиб деструкцияланиши билан боғлиқ дейилган хулосага келинди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар кислотали муҳитда металл тузлари иштирокида, ТЭОС асосида олинган композитларнинг хоссалари текширилди. Ўтказилган тажрибалар натижасида СО нинг ЯЎС ининг ГСМ ининг оптимал таркиби ва нисбати аниқланди. Ушбу ГСМ дан фойдаланиш сенсорни СО га нисбатан юқори сезувчанлигини таъминлайди.

Диссертациянинг “Углерод (II) оксидини яримўтказгичли сенсорининг метрологик тавсифи” деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган сенсорнинг кўрсаткичларига турли омилларнинг таъсири ўрганилган.

Танланган ГСМ лар ва таҳлилнинг оптимал шароитлари асосида газ аралашмалари таркибидан СО ни селектив аниқлаш учун ЯЎС лар ишлаб чиқарилди. Сенсорларнинг газсезгир элементи кремний, титан ва кадмий оксидлари аралашмасидан иборат плёнка бўлиб, ишлаб чиқилган сенсорлар газлар аралашмаси таркибидаги СО нинг микро- (ЯЎС-СО1М) ва макро-концентрацияларининг (ЯЎС-СО2М) назоратини таъминлайди. Синовларда СО ни атмосфера ҳавоси ва технологик жараёнлар чиқинди газлари таркиби назоратида қўлланиладиган автоматик газ анализаторлар: "ЯЎС-СО1М" ва "ЯЎС -СО2М" таркибида қўлланиладиган сенсорлардан фойдаланилди.

Сенсорларни синаш лаборатория ва реал шароитларда олиб борилди. Тажрибаларда сенсорларни сигнал қийматиغا уларга бериладиган кучланишни оптимал қийматини танлаш, сенсорнинг динамик ва градуировка тавсифларини аниқлаш, шунингдек, унинг барқарорлиги ва селективлик даражасини аниқлаш билан боғлиқ махсус тажрибаларни ўз ичига олган.

ЯЎС нинг сезгирлиги ва селективлиги унга бериладиган кучланишга боғлиқ. Сенсорга бериладиган электр кучланишини оптимал қийматидан ошириш ва камайтириш унинг сигнал қийматини пасайишига олиб келади. Тажрибаларда таркибида СО нинг миқдори $0,50$ ҳаж.% га тенг бўлган аралашмаси ишлатилди. 4-жадвалдан ЯЎС-СО2М нинг энг юқори сигнали тегишлича унга бериладиган $3,0$ В кучланишга мос келишини кўрамиз.

4-жадвал.

Сенсорни сигналини кучланишга боғлиқлиги ($C_{CO}=0,5$ хаж.%, $n=5$, $P=0,95$)

Т/р	Сенсорга берилган кучланиш, В	Сенсор сигнали, мВ		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
1	1,00	1,04±0,01	0,008	0,43
2	1,65	2,64±0,03	0,024	0,67
3	2,10	11,70±0,01	0,008	0,32
4	2,75	44,60±0,04	0,030	0,07
5	3,00	52,02±0,03	0,024	0,10
6	3,35	48,11±0,02	0,016	0,08
7	3,50	47,39±0,05	0,040	0,08

Сенсорларга қўйиладиган асосий талаблардан бири уларнинг тезкорлигини таъминлашдир. Яримўтказгичли сенсорлар ЯЎС-СО1М ва ЯЎС-СО2М ларнинг динамик тавсифларини аниқлаш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.

СО нинг яримўтказгичли сенсорини динамик тавсифлари ($n=5$, $P=0,95$)

Т/р	Углерод (II) оксидининг концентрацияси, мг/м ³	Сенсорнинг динамик тавсифи, с.			
		$t_{0,1}$	$t_{0,65}$	$t_{0,9}$	t_n
1	125	1,1	4	8	12
2	250	2,0	5	9	12
3	500	1,0	4	8	11
4	750	1,0	6	9	11

бу ерда: $t_{0,1}$ – сигнални бошланиш нуктаси, с; $t_{0,65}$ – сигнални 65% қиймати, с; $t_{0,9}$ – сигнални 90% қиймати, с; t_n – сигнални тўлиқ қиймати, с.

Келтирилган маълумотлардан, ишлаб чиқилган сенсорлар учун: ($t_{0,1}$)=1-2 сония; ($t_{0,65}$)=6 сония; ($t_{0,9}$)=9 сония ва умумий ўлчов вақти (t_n)=11-12 сонияга тенг эканлигини кўрамиз. Олинган натижалар ишлаб чиқилган сенсорлар ёрдамида СО ни тезкор аниқлаш имкониятини кўрсатади. ЯЎС-СО фойдали аналитик сигналининг СО миқдорига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал.

Сенсор сигналини СО миқдорига боғлиқлиги ($n=5$, $P=0,95$)

ЯЎС-СО1М				ЯЎС-СО2М			
СО нинг миқдори, мг/м ³	Сенсор сигнали, мВ			СО нинг миқдори, мг/м ³	Сенсор сигнали, мВ		
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
75	3,4±0,1	0,08	0,45	0,10	13,7±0,2	0,16	1,2
175	7,3±0,1	0,16	0,34	0,50	58,4±0,1	0,08	0,8
225	10,1±0,2	0,12	0,26	0,60	68,9±0,2	0,16	0,2
600	29,8±0,3	0,14	0,11	1,20	141,5±0,3	0,24	0,2
900	37,6±0,4	0,08	0,09	1,40	164,4±0,4	0,32	0,2
1200	52,4±0,4	0,12	0,15	1,60	211,0±0,4	0,32	0,2
1750	70,3±0,5	0,20	1,23	2,00	247,4±0,3	0,16	0,3
2250	89,5±0,4	0,18	0,21	2,40	275,9±0,4	0,16	0,1
2750	110,2±0,6	0,18	0,20	2,80	311,2±0,4	0,16	0,2
3000	122,0±0,3	0,16	0,16	3,00	335,1±0,2	0,12	0,1

Жадвалдан ўрганилган диапазонда ЯЎС-СО1М ва ЯЎС-СО2М типдаги

яримўтказгичли сенсорлар сигналининг газ аралашмаси таркибидаги ис газни концентрациясига боғлиқлигини тўғри чизикли характерга эга эканлигини кўрамыз. Сенсор сигналининг барқарорлигини текшириш 2000 соатлик узлуксиз тажрибалар давомида олиб борилди. Барча тажрибалар нормал шароитларда амалга оширилди. Тажрибаларда таркибида СО нинг миқдори 650 мг/м^3 ва $1,50 \text{ ҳаж.}\%$ бўлган стандарт газ аралашмалари ишлатилди. Текширилган вақт оралиғи учун сигнал қийматининг ўзгариши сенсор сигналининг максимал тафовути (фарқи) Δt_g билан баҳоланди. Тажриба натижалари ўрганилган вақт оралиғи учун Δt_g нинг ҳисобланган қиймати $2,5 \%$ га тенг эканлигини кўрсатди.

7-жадвал.

ЯЎС-СО сигналини барқарорлигини текшириш натижалари (n=5, P=0,95)

Т/р	Вақт, соат	ЯЎС-СО 1М $C_{CO}=650 \text{ мг/м}^3$			ЯЎС-СО 2М $C_{CO}=1,50 \text{ ҳаж.}\%$		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
1	1	$26,5 \pm 0,2$	0,108	0,55	$155,9 \pm 2,2$	1,953	1,69
2	10	$26,2 \pm 0,3$	0,219	0,60	$156,2 \pm 1,9$	0,968	1,80
3	48	$26,8 \pm 0,2$	0,312	1,10	$155,1 \pm 1,8$	2,012	1,56
4	160	$26,0 \pm 0,2$	0,214	1,44	$154,9 \pm 1,7$	2,31	1,12
5	500	$27,0 \pm 0,3$	0,320	1,86	$155,2 \pm 1,3$	1,089	2,10
6	800	$26,9 \pm 0,2$	0,340	1,42	$155,5 \pm 1,5$	0,980	1,72
7	1500	$26,0 \pm 0,1$	0,218	1,64	$156,5 \pm 1,6$	0,789	1,21
8	1750	$27,5 \pm 0,3$	0,222	1,48	$153,4 \pm 1,9$	0,219	1,34
9	2000	$26,7 \pm 0,2$	0,325	1,65	$154,4 \pm 1,5$	1,736	1,51

СО сенсорининг селективлиги CO_2 , CH_4 , H_2 ва бензин буғлари иштирокида аниқланди. Ушбу натижалар 8-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан яратилган сенсор СО ни CH_4 , H_2 , CO_2 ва бензин буғлари иштирокида селектив аниқлашини кўрамыз.

8-жадвал.

Ис газини аниқлаш жараёнида ЯЎС-СО2М ни селективлигини аниқлаш натижалари (n = 5, P = 0,95., C_{CO} , ҳаж.%)

Т/р	Кирилган газ аралашмаси, ҳаж.%	Аниқланган СО, ҳаж.%		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
1	СО 0,50+ҳаво	$0,51 \pm 0,02$	0,015	2,33
2	СО 0,50+ CH_4 0,90+ҳаво	$0,49 \pm 0,01$	0,017	2,02
3	СО 0,50+ H_2 0,90+ҳаво	$0,51 \pm 0,02$	0,019	1,80
4	СО 0,50+ CO_2 0,90+ҳаво	$0,48 \pm 0,01$	0,021	1,82
5	СО 0,50+бенз.буғ 0,90+ҳаво	$0,49 \pm 0,02$	0,023	1,56

ЯЎС-СО сигналига газ аралашмаси ҳароратининг таъсири $-10 - +50 \text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида ўрганилди. Муҳит ҳароратининг ўзгариши туфайли ЯЎС-СО1М ва ЯЎС-СО2М сигналининг ўзгаришини аниқлаш натижалари 9-жадвалда келтирилган. Жадвалдан ўрганилаётган интервалда газ муҳити ҳароратининг ўзгариши сенсорнинг аналитик сигналига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрамыз.

9-жадвал.

Газ муҳити ҳароратини ЯЎС-СО сигнали қийматига таъсирини ўрганиш натижалари (n= 5, P = 0,95).

Ҳарорат, °C	Сенсор сигнали, мВ			
	ЯЎС-СО1М, C _{CO} - 970 мг/м ³		ЯЎС-СО2М, C _{CO} -0,75 ҳаж.%	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²
+20	40,8±0,1	0,51	82,0±0,21	0,57
-5	41,8±0,3	0,67	82,6±0,31	0,48
+15	40,2±0,2	1,11	83,0±0,11	0,52
+35	40,3±0,1	1,22	82,8±0,31	0,58
+45	41,3±0,1	1,34	82,4±0,24	0,39
+50	40,3±0,3	1,42	82,0±0,35	0,41

Босимнинг сенсорни сигналга таъсирини аниқлаш натижалари 10-жадвалда келтирилган. Ўрганилаётган диапазонда газ муҳити босимининг ўзгаришини сенсорнинг сигнали қийматига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

10-жадвал.

Сенсор сигналга босимни таъсирини ўрганиш натижалари (n=5, P=0,95)

Босим, мм.с.м.ус	Сенсор сигнали, мВ			
	ЯЎС-СО1М, C _{CO} -600 мг/м ³		ЯЎС-СО2М, C _{CO} -1,00 ҳаж.%	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²
625	28,6±0,3	1,65	123,0±0,5	1,02
700	28,3±0,2	1,76	125,0±0,4	1,23
775	27,6±0,4	1,54	124,5±0,5	1,70
850	27,8±0,4	1,66	123,4±0,5	1,14
900	28,3±0,4	1,78	123,9±1,9	0,96

Шундай қилиб, олиб борилган тажрибалар натижасида селектив ЯЎС-СО лар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу сенсорлар атмосфера ҳавоси ва технологик жараёнлар чиқинди газлари таркибидан СО ни тезкор аниқлашни таъминлайди. Ишлаб чиқилган ЯЎС-СО лар экспресслик, портативлик, ишлаб чиқариш ва ишлатишдаги қулайлиги бўйича устунлигини сақлаган ҳолда олинган натижаларини аниқлиги ва такрорланувчанлиги бўйича мавжуд ҳорижий аналоглардан қолишмайди. Газ аралашмасининг оқим тезлигини 5-50 л/соат оралиғида ўзгариши сенсор сигнали қийматига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Сенсорларнинг сигнали уларнинг фазода жойлашишига ва буралиш бурчакларига боғлиқ эмас, бу эса ишлаб чиқилган сенсорларни (13320-82 рақамли давлат стандарти бўйича) мустақил деб таснифлаш имконини беради.

Диссертациянинг “Углерод (II) оксидининг яримўтказгичли газ анализатори “ЯЎГ-СО” нинг метрологик тавсифи” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган яримўтказгичли анализатор (ЯЎГ-СО) нинг кўрсаткичларига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. ЯЎГ-СО кичик ўлчамли портатив қурилма бўлиб, унинг электр таъминоти 12 вольтлик ўзгармас ток билан таъминланади.

11-жадвал.

Ис газни анализатори ЯЎГ-СО нинг айрим кўрсаткичлари

T/p	Кўрсаткичнинг номи	“ЯЎГ-СО 1М”	“ЯЎГ-СО 2М”
1	Ўлчаш диапазони	0-5000 мг/м ³	0-5,0 хаж.%
2	Аниқлиги	10 мг	0,01 %
3	Сигнални юқори нуқтасига эришиш вақти, с.	10	10
4	Қизиш вақти,с	30	30
6	Габарит ўлчамлари, мм.	120x70x25	120x70x25
7	Массаси, г.	200	200

"ЯЎГ-СО 1М" газ анализаторининг кўриниши 7-расмда келтирилган.



7-расм. "ЯЎГ-СО 1М" нинг ташқи кўриниши.

Ишлаб чиқилган "ЯЎГ-СО" нинг метрологик параметрини баҳолаш ГОСТ 52033-2003 бўйича амалга оширилди. Газ анализаторларнинг сигнални концентрацияга боғлиқли-гини ўрганиш аралашмадаги СО нинг 0-5000 мг/м³ ва 0-5,0 хаж.% диапазонида олиб борилди.

12-жадвалдан, ўрганилган концентрация диапазонида ишлаб чиқилган газ анализаторлари сигналнинг СО миқдорига боғлиқлигига тўғри чизикли кўринишга эга эканлигини кўрамиз. Концентрациянинг 0-5000 мг/м³ ва 0-5,0 хаж.% оралиғида Sr қиймати тегишлича 0,021 ва 0,022 дан ошмайди. Асосий хато қиймати газ анализаторининг кўрсатиши ва тайёрланган концентрацияни ҳақиқий қиймати оралиғидаги фарқ сифатида аниқланди.

12-жадвал.

Ўлчаш диапазонлари 0-5000 мг/м³ ва 0-5,0 хаж.% бўлган “ЯЎГ-СО”нинг сигнални ис газни концентрациясига боғлиқлиги (n = 5, P = 0,95)

Киритилган СО, мг/м ³	“ЯЎГ-СО 1М”		Киритилган СО, хаж.%	“ЯЎГ-СО 2М”	
	Аниқланган СО, мг/м ³ $\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²		Аниқланган СО, хаж.% $\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²
5,0	5,1±0,2	2,15	0,15	0,11±0,01	2,22
25	25,3±0,5	1,07	1,07	0,18±0,01	1,68
250	254,1±2,4	1,01	0,52	0,51±0,02	0,76
1000	1011,3±8,2	0,86	0,90	0,93±0,02	1,20
5000	4989,6±12,5	0,55	5,02	4,95±0,04	1,31

13-жадвалдан ишлаб чиқилган анализаторни хатосининг топилган қийматлари ГОСТ да рухсат этилган қийматлардан анча кам эканлигини кўрамиз. Демак, "ЯЎГ-СО" турли объектлар таркибидан СО миқдорини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. "ЯЎГ-СО" нинг аниқланган вариация қийматининг ўзгариши текширилган концентрация диапазонида асбобнинг асосий хатоси қийматининг 0,5 улушидан ошмайди, бу эса яратилган "ЯЎГ-СО" нинг ис газини аниқлаш учун яроқлилигини кўрсатади.

13-жадвал.

“ЯЎГ-СО” ни асосий хато қийматини аниқлаш натижалари (n=5, P=0,95)

Т/р	Кирилл-ди СО, хаж.%	Аниқлан-ди СО, хаж.%	Хатонинг аниқланган қиймати		Хатонинг ГОСТ да рухсат этилган қиймати	
			Асосий абс. хато (Δ)	Асосий келтирилган хато (Υ)	Асосий абс. хато.(Δ)	Асосий келтирилган хато (Υ)
1	0,25	0,24	0,01	0,2	±0,25	±5,0
2	0,50	0,49	0,01	0,2	±0,25	±5,0
3	0,75	0,73	0,02	0,4	±0,25	±5,0
4	1,00	1,02	0,02	0,4	±0,25	±5,0
5	2,00	2,02	0,02	0,4	±0,25	±5,0
6	3,00	2,97	0,03	0,6	±0,25	±5,0
7	4,00	4,06	0,06	1,2	±0,25	±5,0
8	5,00	4,94	0,06	1,2	±0,25	±5,0

Муҳит ҳароратининг ўзгариши натижасида юзага келувчи "ЯЎГ-СО1М" ва "ЯЎГ-СО 2М" нинг қўшимча хатолиги -20 - +50 °С оралиғида ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар натижаси 14-жадвалда келтирилган. Жадвалдан "ЯЎГ-СО2М" ни ҳарорат ва босимни ўзгаришидан юзага келувчи қўшимча хатолиги 1,0% дан ошмаслиги ва барча ҳолларда қурилманинг асосий хатосидан кам эканлигини кўрамыз.

14-жадвал.

“ЯЎГ-СО 1М” ва “ЯЎГ-СО 2М” нинг температуранинг -20 - +50 °С оралиғида юзага келувчи қўшимча хатосини аниқлаш натижалари (n = 5, P = 0,95)

Ҳарорат, °С	Аниқланган СО, мг/м ³	Асос. абсолют. хато	Қўшимча хато	Босим, мм.см. уст.	Аниқланган СО, мг/м ³	Асос. абсолют хато	Қўшимча хато	ГОСТ бўйича қўшимча хато
+20	503±4	3		760	503±3	3		±7,5
- 20	496±6	4	1	600	506±3	6	3	±7,5
0	504±7	4	1	700	501±4	1	2	±7,5
+30	496±4	4	1	800	498±3	2	1	±7,5
+40	497±6	5	2	850	498±6	2	1	±7,5
+50	504±8	4	1	900	505±5	5	2	±7,5

Текширилаётган намлик оралиғидаги "ЯЎГ-СО" ни қўшимча хатоси 0,35% га тенг. Бу "ЯЎГ-СО" ни 13320-81 рақамли давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатади. "ЯЎГ-СО" ни СО ни ортикча миқдорига барқарорлиги таркибида 750 мг/м³ ва 6,50 хаж. % СО бўлган аралашмаларда текширилди. Тажрибаларлар "ЯЎГ-СО" ни СО катта концентрацияларига чидамли эканлигини кўрсатди (15-жадвал).

15-жадвал.

“ЯЎГ-СО” ни катта концентрация таъсирига чидамлилигини текшириш

Т/р	СО ни аралашмадаги концентрацияси, хаж.%	“ЯЎГ-СО” ни катта концентрация берилгандан олдинги ва кейинги сигнали, хаж.%		Асосий абс.хато	Асосий келтирилган хато,%
		катта конц-ядан олдин	катта конц-ядан кейин		
1	C _{co} 1,25 хаж.%	1,23±0,02	1,19±0,01	0,01	0,2
2	C _{co} =2,50 хаж.%	2,48±0,02	2,51±0,03	0,03	0,6

Ортиқча концентрация таъсирида келиб чиқадиган курилманинг қўшимча хато қиймати 0,6% дан ошмайди. “ЯЎГ-СО” сигнаolini барқарорлиги 1000 соатлик тажрибада СОни 500 мг/м³ ва 2,70 ҳаж. % бўлган газ аралашмаларида текширилди. Ушбу тажрибаларда олинган натижалар 16-жадвалда келтирилган.

16-жадвал.

“ЯЎГ-СО” сигнаolini барқарорлигини аниқлаш натижалари (n=5, P=0,95).

Т/р	Вақт, соат	Аниқланди СО, мг/м ³					
		“ЯЎГ-СО 1 М”, C _{со} = 500 мг/м ³			“ЯЎГ-СО 2М”, C _{со} = 2,70 ҳаж.%		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr*10 ²
1	1	507±5	4,02	0,8	2,72±0,03	0,024	0,9
2	24	509±4	3,22	0,6	2,69±0,07	0,056	2,1
3	48	504±6	4,82	1,0	2,72±0,01	0,008	0,3
4	240	511±2	1,61	0,3	2,71±0,03	0,024	0,9
5	480	508±6	4,82	0,9	2,72±0,08	0,064	2,4
6	960	511±7	5,63	1,1	2,73±0,06	0,048	1,8
7	1000	509±6	4,82	0,9	2,73±0,03	0,024	0,9

Жадвалдан, ўрганилаётган концентрация оралиғида ЯЎГ-СО Sr қийматининг ўзгариши 2,4 дан ошмаслигини кўрамиз, бу ГОСТ бўйича рухсат этилган қийматдан сезиларли даражада кам. Ўтказилган тадқиқот натижалари ЯЎГ-СО анализатори метрологик, аналитик ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ушбу типдаги асбобларга тегишли ГОСТ лар томонидан қўйиладиган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатди.

ЯЎГ-СО аниқлигини баҳолаш учун СО нинг турли концентрацияларини ўз ичига олган турли тайёр ёнувчан аралашмаларнинг параллел таҳлилларидан иборат тадқиқотлар ўтказилди. Олинган маълумотлар газлар таҳлилида кенг ишлатиладиган мавжуд газохромографик ва фотоколориметрик курилмаларга нисбатан ишлаб чиқилган ЯЎС-СО газ мухитидан СО ни аниқлашнинг юқори аниқлиги ва такрорланувчанлигини таъминлашини кўрсатди (17-жадвал).

17-жадвал.

Ис газини турли усулларда аниқлаш натижаларини қиёсий баҳолаш (n = 5, P = 0,95).

Кирилган СО, мг/м ³	Аниқланган СО, мг/м ³					
	Яримўтказгичли “ЯЎГ-СО 1М”		Газохромографик “Кристалл-500”		Фотоколориметрик “КФК”	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr*10 ²
60	61±3	2,10	60±3	1,47	63±4	1,18
600	605±6	1,45	588±5	0,52	592±6	1,20
1200	1211±10	0,85	1214±15	0,60	1218±21	0,53
1800	1810±14	0,85	1820±19	0,54	1816±24	0,64
2400	2390±15	0,71	2380±18	0,80	2384±15	1,02
3000	2992±20	0,68	2990±23	1,03	2986±23	1,18

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар газ намуналари таркибидан ис газини концентрациясини автоматик мониторинги учун қўлланиладиган селектив

яримўтказгичли ис газни анализатори "ЯЎГ-СО" ни ишлаб чиқиш имконини берди. Ис газни концентрациясининг 0-5000 мг/м³ ва 0-5,0 ҳаж. % оралиқларда анализатор сигнали қийматининг аралашмадаги СО миқдорига боғлиқлиги тўғри чизиқли характерга эга эканлиги аниқланди. Ишлаб чиқилган газ анализаторларининг асосий абсолют ва келтирилган хатоларининг топилган қийматлари ГОСТ бўйича рухсат этилган қийматларидан анча кам. Демак, ишда ишлаб чиқилган "ЯЎГ-СО" автоматик газ анализатори метрологик ва бошқа хусусиятларга кўра ушбу типдаги асбоблар синфи учун белгиланган давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Золь-гель синтези қонуниятлари ўрганилди ва яримўтказгичли углерод (II) оксиди сенсори учун тетраэтоксисилан ва металл (Ti ва Cd) оксидлари асосида газсезгир материаллар таркиби аниқланди.

2. Синтез қилинган нанокөмпозитлар таркибини ДТА, РФА ва СЭМ усуллари билан таҳлили газсезгир материалларнинг таркиби уларни тайёрлашда қўлланилган компонентлар таркибига тўлиқ мос келишини тасдиқлади, 400-450 °С да термик ишлов бериш олинган газсезгир материал юзасининг юқори ғовақлигини таъминлаши кўрсатилди.

3. Яримўтказгичли сенсорнинг ис газига юқори сезгирлигини таъминловчи ТЭОС(75%TiO₂+25%CdO) таркибли юпқа газсезгир плёнка намуналари олинди. Ишлаб чиқилган газсезгир материал асосида, ис газини рухсат этилган меъёр даражасида селектив аниқловчи сенсорлар ишлаб чиқиш таклиф этилди.

4. Ишлаб чиқилган сенсорнинг сигналига турли омилларнинг таъсири текширилди ва унинг энг юқори сезувчанлиги, селективлиги ва экспресслигини таъминловчи оптимал шароитлар аниқланиши билан изоҳланди.

5. Углерод (II) оксидини аниқлаш учун ишлаб чиқилган селектив яримўтказгич анализаторларнинг асосий метрологик ва эксплуатацион тавсифлари баҳоланди. Ушбу қурилмалар ис газини концентрациясининг кенг диапазонларида аниқлаш имконини беради ва мураккаб аралашмалар анализига қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.K.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

СИДИКОВА ХУЛКАР ГУЛЯМОВНА

**РАЗРАБОТКА ПОЛИПРОВОДНИКОВЫХ СЕНСОРОВ ДЛЯ
КОНТРОЛЯ ОКСИДА УГЛЕРОДА (II) ИЗ СОСТАВА
ОТХОДЯЩИХ ГАЗОВ**

02.00.02– Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии по химическим наукам (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.4.PhD/К433.

Диссертация выполнена в Джизакском Государственно педагогическом институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ik-kimyو.uz и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Абдурахмонов Эргашбой доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Насимов Абдулло Муродович доктор химических наук, профессор Кутлимуратова Нигора Хакимовна доктор химических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «26» 02 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном Университете Узбекистана (адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального Университета Узбекистана (регистрационный номер 16) по адресу: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21.

Автореферат диссертации разослан «8» 02 2022 года
(реестр протокола рассылки № 7 от «8» 02 2022 г.).


З.А.Сманова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., доцент


Н.Х. Кутлимуратова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире при ускоренном развитии автотранспорта и промышленности решение проблемы контроля состава атмосферного воздуха с применением селективных методов и чувствительных химических сенсоров приобретает важное значение. Угарный газ является одним из токсичных и взрывоопасных компонентов атмосферного воздуха. По статистическим данным, в последнее десятилетие смертность от отравления оксидом углерода составила 23,4%. В связи с этим разработка нового поколения полупроводниковых газочувствительных материалов и создание на их основе селективных полупроводниковых газовых сенсоров обеспечивающих определение оксида углерода (II) в атмосферном воздухе, технологических и выхлопных газах, является важной задачей.

В мире ведется большое количество исследований по созданию высокоэффективных газочувствительных материалов (ГЧМ) для полупроводниковых сенсоров токсичных и взрывоопасных газов. Характеристики полупроводниковых сенсоров зависят от различных факторов, в том числе состава газочувствительных материалов, которые играют важную роль в обеспечении высокой чувствительности и селективности определения состава смеси газов. В связи с этим одной из важных задач является подбор оптимального состава и соотношения компонентов ГЧМ полупроводникового сенсора. В Республике Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего, на качественно новый уровень, направленный на ускоренное развитие производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». Важное значение в этом направлении имеет ускоренное развитие методов контроля технологических процессов, разработка современных оперативных методов анализа состава продуктов и создание на их основе высокоэффективных сенсоров, решающих проблемы различных отраслей промышленности. В связи с этим важно создать и внедрить современные, надежные, селективные химические сенсоры для контроля угарного газа в технологических газовых выбросах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. Химическая технология и нанотехнология.

